



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 августдаги «2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини
комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 616-сонли
қарорлари ижросини таъминлаш ва республикада ёзги тақрорий пилла
етиштиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
03/1-604-сонли йиғилиш баёни ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
11 августдаги «2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс
ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 616-сонли қарорлари
ижросини таъминлаш ва республикада ёзги тақрорий пилла етиштиришни
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 03/1-604-сонли йиғилиш баёни
топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Кенгаши

КАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил
14 майдаги 03/1-604-сонли йиғилиш баёни (3-банди) топшириқлари ижро
учун Раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур
баёни билан:

а) «Ўзбекиапаксаноат» уюшмаси (Шарипов)нинг жорий йилнинг
июнь-июль ойларида иккинчи тақрорий пилла етиштиришни ташкил этиш
учун республикага 20 минг қўти хоржий ипак қўрти уруғи
келтириладётганлиги тўғрисида берган ахбороти маълумот учун қабул
қилинганлиги;

б) Июнь-июль ойларида тақрорий пилла етиштиришни амалга ошириш
тизими 1-илова ва республика бўйича тақрорий пилла етиштирувчи
ҳудудлар рўйхати 2-илова ва, тақрорий ипак қўрти боқиллини ташкил қилишга
масъул пилдани қайта ишлаш қорхоналари рўйхати 3-иловага мувофиқ
ташқиқланганлиги;

в) Ҳудудларда тақрорий пилла боқил ишларига Қорақалпоғистон
Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва янговт ҳокимларининг
кишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда туманлар
ҳокимлари масъул ҳисобланиши белгилаб қўйилганлиги;

г) «Ўзбекиапаксаноат» уюшмаси (Шарипов)га:

икки қўн муддатда республика «Пилла итга»ни ташкил этиши;

20 минг қўти хоржий ипак қўрти уруғларини республикага бетаюфат
олиб келинишини таъминлаш чораларини кўриши;

об-хаво иссиқлигини инобатга олиб, келтирилган хоржий ипак қўрти
уруғларининг барча технологик ва агротехник тартиб-қоидаларига амал
қилинган ҳолда сақланиши ҳамда тарқатилишини таъминлаши;

маҳаллий ҳокимликлар билан бирга қишлоқ жойларда ипак қўрти
уруғларининг жонланиши ва жонланган ипак қўртиларини қисқа муддатларда
боқувчи (звено)ларга етказилишини ташкил этиш ва назоратга олиши;

маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда тақрорий пилла
етиштиришнинг мониторингини амалга ошириши;

ипак қўртини тақрорий боқил эвазига етиштирилган пилла ҳом
ашёсини ўз тарқибидати қорхоналарга мутаносиб равишда қайта ишлаш учун
тақсимлаши;

қайта ишлаш қорхоналарининг олган пилла ҳом ашёсини қайта ишлаш
натijasида ишлаб чиқарган маҳсулотлари (ипак, ипак қаламаси, мато, ипак
чиқиндиси ва бошқа)нинг ҳисобини олиб бориш ва бу маҳсулотларнинг
сотилиши ва экспортини амалга оширилишини назорат қилиши;

тақрорий боқил учун ипак қўрти уруғини олиб келиб, унинг
жонлантирилиб, етиштирилган пилланинг тайёр маҳсулот кўринишида
сотилишигача бўлган бир неча босқич (занжир)ли жараёнларини самарали
ташқиқ этиши;

тақрорий пилла мавсумига тизим қорхоналарини тўлиқ жалб қилиш,
уларнинг қарор ижроси ва пилла мавсумига бўлган муносабатларини доимий
таҳлил қилиши ҳамда мавсумда фаол иштирок этишдан юзакли ёндошган
қорхоналар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қилиниши;

Уюшма масъул ходимлари, тарқибидати мўссаса ва қорхоналарнинг
раҳбар ходимлари тақрорий пилла етиштирадётган қорхоналарга бориб, пилла
боқувчиларни рағбатлантириш чораларини кўриши ҳамда Давлатимиз
Раҳбари томонидан уларнинг меҳнатини қадрлан учун яратиб бериладётган
имконият ва қўлайлиқлар, хуусса, соҳанинг ривож учун қабул қилинган
қарорларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунириш ишларини олиб
бориши;

ўн кун муддатда Ипакчилик илмий-таълиқот институти олимлари ва илмий ходимларини жабоб этган ҳола Уюлма таркибдаги корхона ва таъкилотлар учун такрорий пилла етиштириш бўйича ўқув-семинарли ташкил этиши;

жорий йилнинг 1 июнигача 3-иловада номлари қайд этилган пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан инкубаторияларни дезинфекция қилиб, мавсумга шай қилиб қўйилишни, такрорий пилла етиштириш учун зарур бўлган жихозлар (тушмама қогоз, фармалин, термометр, съёмник қогоз (кўтарич қогоз), шунингдек, бўнак маблагларининг тайёрланишини назоратга олиш топширилганлиги;

д) Худудларда такрорий пилла боқилишини ўрганиш бўйича Республика мониторинг гуруҳи тузилиши ва маъкур гуруҳ томонидан баҳорги пилла мавсумида олиб борилган ишларни такрорий пилла мавсумида ҳам давом эттирилиши;

е) Ижорат банклари томонидан такрорий пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари ва хонадонларга ўз вақтида бўнак маблагларини бериш учун пиллани қайта ишлаш корхоналари мурожаатлари асосида қиска муддатларда банк кредитлари ажратилиш топширилганлиги марҳумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикасида июнь-июль ойларида такрорий пилла етиштириш мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш бўйича «Пилла штаби» таркиби 1-иловага мувофиқ:

Июнь-июль ойларида такрорий пилла етиштиришни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ:

Июнь-июль ойларида такрорий пилла етиштирувчи туманлар рўйхати 3-иловага мувофиқ:

Такрорий ипак курти боқилиши ташкил этишга маъсул пиллани қайта ишлаш корхоналари рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Кишлоқ хўжалиги вазирлиги "Қорақалпоғистон Агро-пилла" МҲЖ (Хўжақов) ва Тўртқўл, Бөрүний, Элликкалға, Амударё, Хўжайли, Тахиятош, Керейти ва Чимбой туманлари хокимликлари билан биргаликда:

зудлик билан жорий йилнинг июнь-июль ойларида такрорий пилла етиштириш бўйича талаб этилган барча ташкилий масалаларни амалга ошириш учун туман «Пилла штаб»ларини тузиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, туман хокимларининг қарори билан тасдиқлаш;

Бир ҳафта муддатда такрорий пилла етиштирувчилар билан контракция шартномалари ва ички меҳнат шартномаларининг тузилишини таъминлаш ва уларга бўнак маблагларини беришнинг аниқ чораларини кўриш;

жорий йилнинг 1 июнигача инкубаторияларни мавсумга тайёрлаб қўйиш, инкубист-мутахассислари белгиланган ипак курти уруғлари қутиларини қиска вақт (2-3 соат)да тарқитиш чораларини кўриш бўйича маъсулларни белгилаш, бунда асосий эътиборни туманларда худудма-худуд жонланган уруғларни боқувчига етказиш бўйича маъсул шахс ва транспорт воситаси ажратилишига қаратиш;

ушбу қарорнинг 2-иловасидаги такрорий пилла етиштиришни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар дастурига қатъий амал қилиниши ва дастурдаги ҳар бир баъзнинг ижросини назоратга олинишини таъминлаш;

фермер хўжаликлари ихтиёридаги тул дарахтларидан оқилна фойдаланишни назорат қилиш, бунда наваларни кесмасдан, барглари териб олишни ташкил этиш бўйича туманлардаги пиллачилик агрономлари ва мутасаддиларни маъсул қилиб белгилаш;

тузворларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ҳамда сўғориш ишларини ташкил этиш;


такрорий пилла етиштириш мавсуми давомида ҳар бир фаоллар ёки кишлоқ хўжалигига оид ўқазилган мажлисларда пилла масаласини таҳлил қилиш ва зарурий кўрсатмалар бериш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар 5 кунда Вазирлар Кенгашига ёзма ахборот бериб бориш топширилсин.

5. Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси (Алганизов) тижорат банклари томонидан такрорий пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари ва хонадонларга ўз вақтида бўнак маблагларини бериш учун пиллани қайта ишлаш корхонаси мурожаатига асосан қиска муддатларда банк кредитларини белгиланган тартибда ажратилиш чораларини кўриш топширилсин.

6. Маъкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Вазирлиги раиси С.Ж.Хожаметов зиммасига юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси
К.Сариев



Вазирлар Кенгашининг
2018 йил 14 майдаги
325-сон қарорига
1-илова

Қорақалпоғистон Республикасида июнь-июль ойларида такрорий пилла етиштириш мавсумини уюшқоқлик билан таъкил этиш бўйича «Пилла штаби» тарқиб


1. С.Хожаметов - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари - штаб бошлиғи
2. Давозими бўйича - Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
3. Т.Романов - Фўжароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари
4. Т.Хожаназаров - Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси
5. А.Давлетов - «Қорақалпоқагроқимёхимю» ХАЖ раҳбари
6. Д.Хўжаков - «Қорақалпоғистон Агро-пилла» МЧЖ раҳбари
7. Ж.Балтабаев - Қорақалпоғистон Республикаси «Агробанк» ОАТВнинг бошқарув раиси
8. О.Қошжанов - АТБ «Алоқа банк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошлиғи
9. Давозими бўйича - Пиллани қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари

Изоҳ: Ишчи зурр аъзолари билан ишга ўнган тақдирда унинг ўрнига ушбу давлатга янгидан тайинланган раҳбар ёки ушбу масалага буюқтирилган жасвуд ходим қарилмади.

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил 14 майдаги
325-сон қарорига
2-илова

Қорақалпоғистон Республикасида июнь-июль ойларида такрорий пилла етиштиришни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури

Т/р	Амалга ошириладиган вазифа	Бажариш муддати	Масъуллар
1.	Такрорий пилла етиштириш бўйича талаб этиладиган барча ташкилий масалаларни амалга ошириш туман «Пилла штаб»ларини тузиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, туман ҳокимлари қарори билан тасдиқлаш.	2018 йил май	Тўртқўл, Беруний, Эллиқалъа, Амударё, Хўжайли, Тахиятош, Кегейли ва Чимбой туманлари ҳокимликлари
2.	Пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан такрорий пилла етиштирувчи барча фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини, фермер хўжаликлари ва қурт боқувчилар билан ички меҳнат шартномаларининг тузилишини таъминлаш.	2018 йил май	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши, «Қорақалпоғистон Агро-пилла» МЧЖ, Пиллани қайта ишлаш корхоналари, Тўртқўл, Беруний, Эллиқалъа, Амударё, Хўжайли, Тахиятош, Кегейли ва Чимбой туманлари ҳокимликлари
3.	Инкубаторияларни дезинфекция қилиб, мавсумга тайёрлаш, такрорий пилла етиштириш учун зарур бўлган жиҳозлар (тўшама қоғоз, фармалин, термометр, съёмник қоғоз (кўтаргич қоғоз), шунингдек, етарли микдорда бўнак маблағларини тайёрлаш.	2018 йил 1 июнгача	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Марказий банкнинг ҚР Бош бошқармаси, «Қорақалпоғистон Агро-пилла» МЧЖ, Пиллани қайта ишлаш корхоналари, Тўртқўл, Беруний, Эллиқалъа, Амударё, Хўжайли, Тахиятош, Кегейли ва Чимбой туманлари ҳокимликлари



Т/р	Амалга ошириладиган вазифа	Бажариш мuddати	Масъуллар
4.	Фермер хўжаликлари ихтиёридаги тут дарахтларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш, бунда наваларни кесмасдан, барглари териб олишни ташкил этиш бўйича туманлардаги пиллачилик агрономлари ва мутасаддиларни масъул қилиб белгилаш.	Мавсум давомида	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Қорақалпоғистон Агро-пилла” МЧЖ, Қорақалпоғистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши, Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, Хўжайли, Тахياتош, Кегейли ва Чимбой туманлари ҳокимликлари
5.	Тутзорларни маҳаллий ва минерал угитлар билан озиклантириш ҳамда сугориш ишларини ташкил этиш.	2018 йил май-июнь ойларида	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Қорақалпоғистон Агро-пилла” МЧЖ, Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, Хўжайли, Тахياتош, Кегейли ва Чимбой туманлари ҳокимликлари
6.	Ипак қурти боқувчи (звено)лардан ипак қуртини тўлик ва барча агротехник тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда боқиш бўйича тилхатлар олиш.	2018 йил май	“Қорақалпоғистон Агро-пилла” МЧЖ, Пиллани қайта ишлаш корхоналари, Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, Хўжайли, Тахياتош, Кегейли ва Чимбой туманлари ҳокимликлари
7.	“Навой ипак қурти уруғи” корхонасидан ўрнатилган тартибда ишончнома орқали тақсимотда кўрсатилган ипак қурти уруғларини санаб олиб келиш ва инкубаторияларга жойлаштириш.	2018 йил май	“Қорақалпоғистон Агро-пилла” МЧЖ, Пиллани қайта ишлаш корхоналари, Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, Хўжайли, Тахياتош, Кегейли ва Чимбой туманлари ҳокимликлари
8.	Инкубаторияларда жонланган ипак қуртларини боқувчи (хонадон, звено)ларга етказилишини таъминлаш.	Қурт жонланишига қараб 2-3 соат ичида	“Қорақалпоғистон Агро-пилла” МЧЖ, Пиллани қайта ишлаш корхоналари, Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, Хўжайли, Тахياتош, Кегейли ва Чимбой туманлари ҳокимликлари, фермер хўжаликлари


Т/р	Амалга ошириладиган вазифа	Бажариш мuddати	Масъуллар
9.	Қайта ишлаш корхоналарининг олган пилла хом ашёсини қайта ишлаш натижасида ишлаб чиқарган маҳсулотлари (ипак, ипак қалава, мато, ипак чикиндиси ва х.зо)нинг ҳисобини олиб бориш ва бу маҳсулотларнинг сотилиши ва экспортини амалга оширилишини назорат қилиш.	2018 йил IV-чорак	“Қорақалпоғистон Агро-пилла” МЧЖ, Пиллани қайта ишлаш корхоналари,
10.	Такрорий боқиш учун ипак қурти уруғини олиб келиб, унинг жонлангирилиб, етиштирилган пилланинг тайёр маҳсулот бўлиб сотилишигача бўлган бир неча босқич (занжир)ли жараёнларни самарали ташкил этиш.	Мавсум давомида	“Қорақалпоғистон Агро-пилла” МЧЖ, Пиллани қайта ишлаш корхоналари,
11.	Такрорий пилла етиштираётган хонадонларга бориб, пилла боқувчиларни рағбатлантириш чораларини кўриш ҳамда Давлатимиз Раҳбари томонидан уларнинг меҳнатини қадрлаш учун яратиб берилаётган имконият ва қулайликлар, хусусан, соҳанинг ривожини учун қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳиятини туғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш.	Мавсум давомида	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Қорақалпоғистон Агро-пилла” МЧЖ, Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, Хўжайли, Тахياتош, Кегейли ва Чимбой туманлари ҳокимликлари
12.	Жойларда такрорий пилла етиштиришнинг бориши бўйича мониторингини олиб бориш.	Мавсум давомида	“Қорақалпоғистон Агро-пилла” МЧЖ, Тўртқўл, Беруний, Эллиққалъа, Амударё, Хўжайли, Тахياتош, Кегейли ва Чимбой туманлари ҳокимликлари

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил 14 майдаги
325-сонли қарорига
3-илова

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил 14 майдаги
325-сонли қарорига
4-илова

**Июнь-июль ойларида тақрорий пилла етиштирувчи туманлар
рўйхати**

№	Туманлар номи	Қути сони, дона	Ҳажми, кг
1	Тўртқўл	177	8850
2	Элликкальба	164	8200
3	Беруний	156	7800
4	Амударё	240	12000
5	Хўжайли	20	1000
6	Тахиятош	18	900
7	Кегейли	15	750
8	Чимбой	10	500
Жами		800	40000



**Тақрорий ипка ипак қурти боқичини ташиқл этиштига масъул пиллани
кайта ишлаш корхоналари рўйхати**

№	Туманлар номи	Парашиланган ипак қурти, қути хисобида	Бириктирилган пиллани кайта ишлаш корхоналари	
1	Тўртқўл	177	"Бўстон-силк" МЧДЖ	
2	Элликкальба	164		
3	Беруний	156	"Азия-силк" ШК	
4	Амударё	240		
5	Хўжайли	20		
6	Тахиятош	18		
7	Кегейли	15		
8	Чимбой	10		
Жами		800		

